



О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko'chasi 57.

2021 - yil 30 - noyabr

386-6-0-Q/21

Namangan viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги Ўзбекистон Республикасида Марказий Осиё учун Экологик қайта тиклаш ҳисоби бўйича амалиётлар ўтказиш тўғрисидаги Ҳадли битимни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида” 2021 йил 15 ноябрдаги 681-сон қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги Ўзбекистон Республикасида Марказий Осиё учун Экологик қайта тиклаш ҳисоби бўйича амалиётлар ўтказиш тўғрисидаги Ҳадли битимни амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 9 февралдаги Ф-5627-сон фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги Ўзбекистон Республикасида Марказий Осиё учун Экологик қайта тиклаш ҳисоби бўйича амалиётлар ўтказиш тўғрисидаги Ҳадли битимни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида” 2021 йил 15 ноябрдаги 681-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги Ўзбекистон Республикасида Марказий Осиё учун Экологик қайта тиклаш

ҳисоби бўйича амалиётлар ўтказиш тўғрисидаги Ҳадли битимни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида” 2021 йил 15 ноябрдаги 681-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги Ўзбекистон Республикасида Марказий Осиё учун Экологик қайта тиклаш ҳисоби бўйича амалиётлар ўтказиш тўғрисидаги Ҳадли битимни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2018 йил 8 майдаги Ф-5269-сон Фармойишига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё учун Экологик қайта тиклаш ҳисоби бўйича амалиётлар ўтказиш тўғрисидаги Ҳадли битимга (кейинги ўринларда - Ҳадли битим) мувофиқ Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳри ва Наманган вилоятининг Чоркесар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган илгариги уран конлари объектларини экологик қайта тиклаш мақсадида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришга грантлар ажратиш назарда тутилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда - Давлат экология қўмитаси) ҳузуридаги Бинолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси Ҳадли битимнинг 1-бўлим “с” бандига мувофиқ грантлар олувчи этиб белгиланганлиги;

б) Давлат экология қўмитаси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида 2021 йил 22 октябрда 003-сон “Лойиҳани бошқариш гуруҳига маслаҳат хизматлари” грант битими имзоланганлиги;

Тошкент ва Наманган вилояти ҳокимликлари ҳамда Давлат экология қўмитасининг Тошкент вилояти Янгиобод шаҳри ва Наманган вилояти Чоркесар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган илгариги уран конлари объектларини экологик қайта тиклаш ишлари якунланишига қадар Давлат экология қўмитасига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилганлиги;

Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари бир ой муддатда Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳри ва Наманган вилоятининг Чоркесар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари бошқарувидаги илгариги уран конлари объектларини Давлат экология кўмитасига вақтинча оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бериш чораларини кўриши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги Ўзбекистон Республикасида Марказий Осиё учун Экологик қайта тиклаш ҳисоби бўйича амалиётлар ўтказиш тўғрисидаги Ҳадли битим доирасида Давлат экология кўмитаси ҳузуридаги Бинолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси таркибидаги Лойиҳани бошқариш гуруҳи тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Лойиҳани бошқариш гуруҳини сақлаш харажатлари учун талаб этиладиган маблағларни 2022 йилдан бошлаб ҳар йили тегишли йил учун бюджет параметрларида назарда тутиши белгиланганлиги;

Давлат экология кўмитаси раиси зиммасига Ҳадли битим доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг якуний натижалари, шунингдек, грантлардан самарали фойдаланишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юкланганлиги эътиборга олинсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Т.Юсупов, С.Султанов) вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (А.Жалилов) вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Қ.Ахмедов), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Д.Ниязов), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вилоят бошқармаси (М.Торабеков), Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (С.Мухитдинов) билан биргаликда Наманган вилоятининг Чоркесар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган Наманган вилояти ҳокимлиги бошқарувидаги илгариги уран конлари объектларини Давлат экология кўмитасига вақтинча оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бериш чораларини кўрсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Султанов зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov